





«Тасдиқлайман»
Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси раиси

А.Икрамов
« »
2019 й

«Тасдиқлайман»
Ўзбекистон Бадий
академияси раиси

А.Нуридинов
« »
2019 й

«Тасдиқлайман»
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият вазири

Б.Сайфуллаев
« »
2019 й

«Тасдиқлайман»
Ўзбекистон
Республикаси
“Хунарманд”
уюшмаси раиси

У.Абдуллаев
« »
2019 й

Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталогига хунармандларни киритиш тартиби тўғрисидаги Низом

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4539-сон Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5242-сон Фармони билан тасдиқланган хунармандчиликнинг 34 йўналиши бўйича шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркор-хунармандларни “Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги” (кейинги ўринларда – Миллий каталог)га киритиш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

хунармандчилик фаолияти (хунармандчилик) – юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг хунармандчилик буюмлари ёки товарлари (ишлари, хизматлари)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолияти;

хунарманд (усто-хунарманд, усто) – мустақил равишда ёки шогирдлари ёрдамида махсус кўникмалар, асбоблар ва кичик механизация воситаларидан фойдаланишга асосланган анъанавий технологиялар асосида буюмларнинг функционал хусусиятларининг тарихан қарор топган талабларига ҳамда миллий эстетик нормаларга жавоб берадиган хунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни тайёрловчи жисмоний шахс;

хунарманднинг шоғирди – 15 ёшдан ошган, хунарманддан хунармандчилик фаолияти буюмлари ёки товарлари (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни ўрганаётган жисмоний шахс.

халқ амалий санъати устаси – амалий санъат соҳасида иш тажрибасига эга бўлган, миллий хунармандчилик анъаналари асосида амалий санъат асари даражасида маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, ижтимоий ва шахсий турмушда амалий аҳамиятга эга бўлган бадиий буюмлар тайёрлаш ва кундалик турмуш ашёлари (асбоб-анжомлар, мебель, уй жиҳозлари, мато, меҳнат қуроллари, кийим-кечаклар, тақинчоқлар, ўйинчоқлар ва бошқалар)ни бадиий ишлаш билан шуғулланадиган ёғоч, сопол, ганч, тош, металл, суяк, пахта, ипак, жун ва бошқа турдаги хом ашёлардан бўяш, ўйиб-кесиш ишлаш, қуйиш, тикиш, тўқиш ва бошқа усуллар билан маҳсулот яратадиган хунарманд.

халқ амалий санъати маҳсулотлари – халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар ва кўникмалар, анъанавий асбоб-анжомлардан фойдаланган ҳолда асосан қўл меҳнати усулида яратилган ва қоида тариқасида миллий нақшлар билан безатилган буюм ва асарлар.

2. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, Бадиий Академия **Миллий каталог**ни ташкил этиш, ишлашини таъминлаш ва тарғиб қилишга масъул ташкилотчи (кейинги ўринларда – Миллий каталог ташкилотчилари) ҳисобланади.

3. **Миллий каталог**нинг дастури онлайн тарзда “Хунарманд” уюшмаси томонидан юритилади, мунтазам ишлаши таъминланади ҳамда иш жараёни назорат қилинади.

II. Миллий каталогни яратиш ва фаолиятини ташкил этишнинг мақсади

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5242-сон Фармони ҳамда 2019 йил 28 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4539-сон Қарорида хунармандларга берилаётган имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш тартибини жорий этиш;

5. Миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати соҳасида фаолият юритиб келаётган ва соҳа ривожига улкан ҳисса қўшган тажрибали, истеъдодли хунармандларни маънавий рағбатлантириш;

6. Худудларда хусусий тадбиркорлик ва хунармандчиликни жадал ривожланишни рағбатлантирувчи муҳит яратиш;

7. Хунармандчилик фаолиятидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш;
8. Республикада халқ амалий санъатининг мавжуд турларини жадал ривожлантириш, ушбу хунар турларини ёшларга ўргатиш ва янги иш ўринларини яратиш;
9. Ўзбек халқ амалий санъати намуналарини ўзбек бренди сифатида халқаро миқёсда тарғиб қилиш, ўзбек халқ миллий маданияти анъаналарини намойиш этиш орқали сайёҳларни жалб қилиш;
10. Халқ амалий санъатининг ноёб ва йўқолиб бораётган турларини сақлаш, қайта тиклаш.

III. Миллий каталогга кирувчи номзодларни танлаш кенгаши ва хунармандларни Миллий каталогга киритишни тасдиқлаш тартиби

11. **Миллий каталогга** кирувчи хунармандлар “Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги”га киритиладиган номзодларни танлаш кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) томонидан танланади.

12. Кенгаш таркиби 7 кишидан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси раҳбарлари ва масъул ходимларидан ташкил топади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4539-сон Қарори 5-бандига асосан “Хунарманд” уюшмаси раиси Кенгаш раиси ҳисобланади.

14. Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий Академияси, Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси тавсиясига биноан Кенгаш раиси томонидан Кенгаш йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

Кенгашнинг мунтазам фаолият олиб боришини таъминлаш Кенгаш раиси ҳамда Миллий каталог ташкилотчилари зиммасига юклатилади.

15. Кенгаш аъзоларидан бирининг соғлиги ёмонлашса, бошқа ишга ўтса ёки нафақага чиқса, 1 ҳафта муддатда янги номзод тақдим этиш бўйича **Миллий каталог** ташкилотчиларига талабнома киритилади ҳамда янги аъзо танланади.

16. “Хунарманд” уюшмасининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари Кенгашнинг ҳудудлардаги вакили ҳисобланади. Улар ўз ҳудудида фаолият юритаётган ва **Миллий каталогга** кириш учун онлайн тарзда рўйхатдан ўтаётган (анкета тўлдираётган) хунармандлар томонидан тақдим этилаётган маълумотлар ҳаққонийлигини назорат қилиб боради.

17. Кенгаш томонидан ҳар ойнинг сўнги иш кунида номзодларни саралаш, танлаш ва тасдиқлаш бўйича Кенгаш аъзоларининг овоз бериш бериш натижалари умумлаштирилиб, тегишли қарор тайёрланиб, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

IV. Миллий каталогни шакллантириш ва халқ амалий санъати усталарини рўйхатдан ўтказиш тартиби

18. **Миллий каталогга** киритилган маълумотларнинг базаси электрон шаклда юритилади ҳамда уюшманинг расмий веб-сайтида (handicraftman.uz) алоҳида саҳифа сифатида ташкил этилади. **Миллий каталог** веб-сайтига киритилган маълумотлар ҳар ойда янгиланиб борилади.

19. **Миллий каталогга** кириш учун ҳужжат топширишга ёши ва фаолият давридан қатъий назар, барча халқ амалий санъати маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ва ушбу Низом билан тасдиқланган мезон талабларини бажарган ҳунармандлар (Уюшма аъзолари) ҳақлидирлар.

20. “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвонига эга бўлган ҳунармандлар зарурий ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, Кенгашда муҳокама қилинмасдан, **Миллий каталогга** киритилади.

21. **Миллий каталогга** кириш 3 босқичда амалга оширилади:

зарурий ҳужжатларни тақдим этиш (анкеталарни тўлдириш) ва Кенгашнинг ҳудудий вакиллари томонидан кўриб чиқиш;

Кенгашга тақдим этиш;

Кенгаш қарорига асосан **Миллий каталогга** киритиш.

22. Кенгашга қуйидаги зарурий ҳужжатлар электрон тарзда тақдим қилинади: номзоднинг 3x4 ва 10x15 ҳажмдаги рангли фотосурати, маълумотнома-объективкаси;

номзоднинг паспорт нусхаси;

иш ва ижодий фаолияти тўғрисида тўлиқ ёзма маълумот;

“Ҳунарманд” уюшмасига аъзолик гувоҳномаси;

давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

“Уста-шогирд” мактаби ва ундаги шогирдлар тўғрисида маълумот (Уюшма томонидан тасдиқланган шаклда);

ишлаб чиқарган маҳсулотлари фотолари ва уларни ўзи ясаётганлиги акс этган видео (10 дақиқадан кўп бўлмаган);

“Ҳунарманд” уюшмаси ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг хулоса-тавсияномаси.

Миллий каталог онлайн тарзда реал вақт режимида янгиланувчи очик ва умум фойдаланиладиган веб-сайт кўринишида фаолият юритади.

23. Кенгаш қарори асосида **Миллий каталогга** ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, маълумотларни чиқариш “Хунарманд” уюшмаси раисининг буйруғига асосан уюшманинг тегишли бўлими ходимлари томонидан амалга оширилади.

V. Миллий каталогга киритишда Кенгаш томонидан амал қилинадиган асосий мезонлар

24. Халқ амалий санъати усталарини **Миллий каталогга** киритишда қуйидагилар асосий мезон этиб белгиланади:

нуфузли халқаро кўргазма, кўрик-танлов каби тадбирларда ғолиб ёки лауреат сифатида эътироф этилганлиги;

тегишли соҳада санъат ва фан арбоби ҳамда академикларнинг тавсиясига эгалиги;

“Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвонига эгалиги.

25. **Миллий каталогга** кириш тўғрисидаги ариза рад этилганда, 3 кун муддатда рад этилганлиги тўғрисида хунармандга электрон тарзда маълумот тақдим этилади ҳамда хунарманд барча мезонлар асосидаги ҳужжатлар билан 3 ойдан кейин қайта ариза топшириш ҳуқуқига эга.

26. Кенгаш томонидан **Миллий каталогга** киритилиши тасдиқланган хунарманд – Халқ амалий санъати устаси тўғрисидаги очик маълумотлар 1 иш куни муддатда **Миллий каталог** веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда бу ҳақда хунармандга электрон хабар берилади.

27. **Миллий каталогга** киритилган Халқ амалий санъати устасига Кенгаш раиси томонидан имзоланган махсус сертификат тақдим қилинади.

VI. Миллий каталогга киритилган Халқ амалий санъати усталарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

28. **Миллий каталогга** киритилган Халқ амалий санъати усталари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5242-сон Фармони ҳамда 2019 йил 28 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4539-сон Қарорида хунармандларга берилган барча имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

29. Ҳунарманд ўз навбатида жамиятнинг маданий ҳаётида фаоллик кўрсатиш, ўз соҳасида уста-шогирд мактабларини ташкил қилиш, ёшларга ўз ҳунари сирларини ўргатиш, Ўзбекистон ва хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма-танловлар, фестивалларда ўз ижодий ишлари билан иштирок этиш, ҳунармандчилик ва халқ амалий соҳасининг тарихий анъаналари ҳамда кадриятлари, услубларига риоя қилиш ва сақлаб қолинишига эътибор қаратишга масъулдир.

VII. Яқуний қоидалар

30. **Миллий каталогга** киритилган маълумотлар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда очик фойдаланиш учун уюшманинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

31. **Миллий каталогга** кириш бўйича ташкилотчилар ёки номзодлар орасида пайдо бўлган баҳслар ҳал этилиши учун дастлаб Кенгаш ташкилотчилари томонидан кўриб чиқилади. Улар ҳал эта олмаган баҳсли масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида кўриб чиқилади.